



**“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудидй бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга**

### **Техник шарт**

Сизнинг 2022 йил 30 сентябрдаги 457-сонли хатингизга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар” ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қўқон шаҳар Авғонбоғ МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолини ичимлик суви ҳамда оқава сув тизимлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### **Ичимлик сув бўйича**

Қўқон шаҳар Авғонбоғ МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш учун уланиш нуқтаси: Авғонбоғ МФЙ Авғонбоғ ва Бурчилик кўчалари кесишмасидаги мавжуд Д-315 ммли босими 1.2 АТМ бўлган тармоқга 0.6 км ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда бажарилсин.

### **Оқава сув бўйича**

Қўқон шаҳар Авғонбоғ МФЙ ҳудуд аҳолисини оқава сув тизимлари билан таъминлаш учун уланиш нуқтаси: Авғонбоғ МФЙ Давронбек кўчасидаги мавжуд Д-250 ммли, тўлиш даражаси 40 % (фоиз) бўлган тармоғига янги калодец ўрнатиб, Д-200 ммли узунлиги 0.6 км оқава сув тармоғи тортиш ишлари лойиха аосида ШНК, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда қурилиши шарт.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**

**Бош муҳандиси:**



**И.Абдуллаев**

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**

**ИЧБ бошлиғи:**

**Д.Ҳамидов**